

УДК 69.05

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҚВИМИЙ РЕЖАЛАШТИРИШГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ**

*Докторант Дўсимбетов Н.Б., Т.ф.н., профессор Джабриев А.Н. (ТАҚУ)  
(+998912727700)*

**Аннотация.** Қурилиш-монтаж ишларининг самарадорлигини оширишда унмнг асосий омиллари урганилган.

**Аннотация.** Своевременный учет факторов, связанных с эффективностью строительно-монтажных работ в сфере строительства, является ключевым моментом оперативно-производственного планирования и управления.

**Annotation.** Timely consideration of factors related to the effectiveness of construction and installation works in the construction industry is a key point in operational and production planning and management.

**Калит сўзлар:** қурилиш-монтаж ишлари, тақвимий режалаштириш, ишларни бажариш усуллари.

**Ключевые слова:** строительно-монтажные работы, календарное планирование, методы работы.

**Key words:** construction and installation work, scheduling, working methods.

Қурилиш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг (КМИ) самарадорлиги билан боғлиқ бўлган омилларни ўз вақтида ҳисобга олиниши самарали режалаштириш ва бошқаришнинг асосий фазилати ҳисобланади. Шунинг учун тақвимий режалаштиришнинг ҳар қандай моделини ишлаб чиқишдан олдин ишлаб чиқариш жараёнини ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш талаб қилинади. Модомики олдинги ишларда кўрсатилгани каби, биз томонимиздан объектни барпо этиш жараёнининг фазовий-технологик тузилишига (ОБЖФТТ) оид моделини ишлаб чиқишда унинг жараёнини ўзига хос хусусиятларини ўрганишни ва уларни таъсирини инобатга олишни таклиф этамиз. Тадқиқотнинг танлаб олинган мавзусига мувофиқ ишимизда бевосита қурилиш-монтаж ишларининг ишлаб чиқариши –фақатгина қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари билан боғликлари кўриб чиқилган.

Ишларни ташкил қилишининг оқим усулларидан бошлаб ва ҳозирги вақтгача турлича муаллифлар томонидан уларнинг тадқиқот мақсадлари учун керакли қурилиш маҳсулотининг турлича ўзига хос хусусиятлари (КМИ

ишлаб чиқаришининг иқтисодий, технологик, ташкилий ва х.к.лар самарадорликларини ошириш) ажратиб олинган (жадвал 1.1).

Жадвал 1.1 умуман олганда ҚМИ ташкил қилинишига таъсир қиладиган қурилиш махсулотининг қуида санаб ўтилган ва аниқланган, ўзига хос хусусиятлари билан тўлдирилиши мумкин:

- қурилиш обьектларининг катта майдонга ёйиб юборилганлиги;
- ишларнинг тор шароитлардаги бажарилиши материалларни ҳатточи бир сутка олдинга жойлаштиришнинг иложи йўқлиги ;
- ишларни бажариш усувлари, конструкциялар, манбаларнинг ўзаро алманишуви;
- ташкилий-технологик тайёргарлик ечимлари бўйича хужжатларни тақдим қилиш аниқлигининг етарлича эмаслиги;
- алоҳида мураккаб, ноёб обьектларнинг қисқартирилган муддатлардаги лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришни тайёрлаш;
- айрим моддий ресурсларни захира қилиб қўйишни иложи йўқлиги (бетон қоришмани ва х.к.) ва х.к.

Ушбу ёндашувда ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг фазовий-технологик тизим (ФТТ) моделига мос келадиган схемаси танлаб олинган ва ишлатилган, у ҳам бўлса алоҳида обьектлардаги ишларнинг бажаришнинг тор шароитларига тегишлигидир.

**Жадвал 1.1**

### **Қурилиш махсулоти ва уни ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари**

Курилиш махсулотининг ўзига хос хусусияти	О.А.Вутке 1932	ВИ.Батурин 1941	А.В.Барановиск ий, 1948	Г.К.Луберест, 1968	Л.Г.Голуб 1976	С.С.Атаев, 1989	В.И.Геличенко, 2020
1. Худудга катъий белгиланган боғланиш	-	-	+*	+	+*	-	+*
2. Махсулотнинг харакатсиз тавсифи	+	+	+	+	-	+	-
3. Махсулотни чизикили улчамларни инсоннинг антропометрик тавсифларидан куп марта ошади	+*	+*	+*	+	+*	-	+*
4. Объектдан обьектга узгарадиган махсулотнинг киёфаси, тавсифи, хусусияти ва хажмлари (хилма-хиллик)	+*	+*	+*	+	-	+*	+*
5. Табиий-иклиний омилларнинг таъсири	+	+	+	+	-	+	+
6. Курилиш ишлаб чиқаришда иштирокчиларнинг куп микдори	+*	+*	+*	+	+*	+	+

Жадвалга киритилган белгилар, қуидагиларни кўрсатади:

«+»—ўзига хос хусусият тилга олинади ва унинг ишлаб чиқаришига таъсири муҳокама қилинади;

«+\*»—ўзига хос хусусият тилга олинмаган, унинг таъсири билвосита ва қисман ҳисобга олинади.

«-»— ҳисобга олинмаган.

Алоҳида мураккаб ва ноёб обьектларни барпо этиш жараёнлари ФТТ моделлаштириш, шу жумладан бундай обьекларни қурилишидаги қўшимча тадқиқотларни жумладан илмий ташкилий-технологик тадқиқотларни ташкил қилинишини талаб қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.Атаев,С.С.Технология строительного производства: Учебник для вузов/ С.С.Атаев, Н.Н. Данилов, Б.В. Прыкин и др.-М.:Стройиздат, 2010.-559с ,ил.

2.Баркалов,С.А.Управление персоналом, владеющим смежными профессиями /С.А.Баркалов,А.Е.Бережецкая,И.В.Федорова/ /Вестник ВГА-СУ, 2009, Том 5, №3.-с.161-163.

3.Голуб Л.Г. АСУ строительного треста / Л.Г.Голуб, Е.Н.Ляшенко. -М. :Стройиздат, 1976.-111с.

4.Панченко Н.М. Свойства и особенности строительных технологических процессов / Н.М. Панченко // Вестник гражданских инженеров.-2007/№3(12).-с.45-48

5.Джабриев А.Н., Досымбетов Н.Б «Отличие простых приемов от планирования системы ЭГЕМ в производстве строительно-монтажных работ» Международная научно-практическая, посвященная 100-летию со дня рождения профессора Виктора Алексеевича Афанасьева, СП-2023 стр.143-148